

## Илмда мунозара қилиш ҳақида



17:08 / 01.11.2020 2036

### 13-боб

Фақиҳ Абу Лайс раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Баъзи одамлар илм ҳақида баҳс-мунозара қилишни ёмон кўришди. Аллоҳ таолонинг:

**«Улар: «Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми?!» (яъни, Исоми?!) дедилар. Улар (бу мисолни) сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчиурушқоқ қавмдирлар!»** (Зухруф сураси, 58-оят).

**«Биз бу Қуръонда одамларга (панд-насихат олишлари учун) турли масаллар баён қилдик. Дарҳақиқат, инсон жуда кўп жанжал-баҳс қилгувчидир»** (Каҳф сураси, 54-оят), деган сўзларини ҳужжат қилишди.

Оиша розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини ривоят қиладилар: «Аллоҳга инсонларнинг энг нафратлиси ёмон хусуматда бўладиган кишидир».

Абу Умома Бохилий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар:

«Ҳар бир қавм ҳидоятдан тортишув сабабидангина адашди».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Шубҳани тарк қил, гарчи ҳақ бўлсанг ҳам». Бу ҳадис бошқа лафз билан ҳам ривоят қилинган: «Сизларнинг бирортангиз иймоннинг ҳақиқатини ўзи ҳақ бўлган ҳолатида шубҳани тарк қилмагунича тополмайди».

Чунки шубҳа адоватга олиб боради. Муслмонларнинг орасидаги адоват эса ҳаромдир.

Илм аҳлининг оммаси Аллоҳ таолонинг:

**«Парвардигорингизнинг йўли - динига донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг!»** (Наҳл сураси, 125-оят).

**«Бас, улар (яъни, замондош аҳли китоблар билан Ашобул Каҳф) хусусида фақат (ўзингизга нозил бўлган ваҳий воситасида) очиқ мужодала-мунозара қилинг ва (Ашобул Каҳф) ҳақида уларнинг биронтасидан фатво сўраманг!»** (Каҳф сураси, 22-оят).

**«Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг (Намруднинг) ҳоли-хабарининг билмадингизми? Қайсики Иброҳим:**

**«Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида у: « Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: « Албатта, Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чиқар-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди»** (Бақара сураси, 258-оят), деган сўзларига биноан, агар баҳс билан ҳақиқатни зоҳир этишни қасд қилса, зарари йўқ, деб айтади.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ дейдилар: «Эҳромдаги киши ейдиган овнинг гўшти ҳақида баҳс қилдик. Ваҳоланки, у овни ҳалол киши сўйган эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ухлаётган эдилар. Бизнинг овозимиз

кўтарилиб кетди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шовқиндан уйғониб: «Нима ҳақда баҳслашяпсизлар?» дедилар. Биз масалани хабар бердик, у зот бизга уни ейишни буюрдилар». Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг баҳсларини инкор қилмадилар, чунки мунозарада ҳақни ботилдан ажратиш бордир. Ҳақ талабида фикр юритиш эса мувоҳидир.

Баҳс-мунозарани инкор қилиш тўғрисида ворид бўлган ҳадисларнинг маъноси шуки, ноҳақ баҳс қилса ва бу билан фахрланишни, кеккайишни хоҳласа, баҳс макруҳдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ривоят қилинганидек: «Кимки илмни учта нарса учун таълим олса, у дўзахдадир: илм билан олимларга мақтанмоқчи бўлса; аҳмоқлар билан баҳс қилмоқчи бўлса; одамларнинг юзини ўзига қаратмоқчи бўлса».

**«Бўстонул Орифийн» китобидан**